

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КИМЁ ФАНИДАН  
ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Д.А.Каримова, Г.Ё.Гадоева

Навоий давлат педагогика институти

**Аннотация.** Ушбу мақолада умумий ўрта таълим мактабларида кимё фанидан лаборатория ишларини такомиллаштиришнинг педагогик асослари баён этилган.

**Калит сўзлар:** кимё, педагогика, методика, лаборатория, кўникма, малака, билим.

Мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида – мактабларни замонавий ўқув лаборатория базаларини қайта ташкил этиш асосий масалалардан бири этиб қўйилган эди. Кимё фанини ўқитиш жараёнида кўп сонли ва кўп қиррали кўникмалар шакллантирилган бўлиши лозим, айнан дидактикага оид ишлар ҳамда кўникмалар умуммантикий, умуммиллий, библиографик ва ташкилий-таълимий грухларга ажратилади. Кўникма ва малакалар тузилиши жиҳатдан – вазифаси бўйича: ташкилий, амалий, шахсий ва психологик турларга бўлинади.

Бизнингча мустақил таълим ўқув дарсларида ўқувчи ёки талабанинг шахсий кўникмаларини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга, бунда маҳсус кимёвий кўникмаларини ажратиб бўлмайди, чунки шахсий кўникмалар уларнинг ичига сингиб боради. Уларни шакллантириш учун ўқувчи ёки талаба билан мустақил ишлаш асос бўлиб хизмат қиласди. Кимё фанини ўқитишда учта кўникмани ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Таълимда бу кўникмалардан бирини эътиборга олмасак ёки етарлича баҳоламасак қолганларининг шакллантириши сезиларли сусайтирилади.

Шу сабабли кимё фанини ўқитишда қуйида келтираётган учта кўникма бизга асос бўлиб хизмат қиласди: экспериментал кўникма, интелектуал ва умум ўқув, маҳсус (хусусий) кўникмаларга бўлинади. Бунинг психологик хусусияти талаба ёки ўқувчи билан алоҳида гурух билан ёки ўқитувчи назоратисиз хусусий кўникмалар ҳосил қилишга қаратилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, интелектуал кўникмалар деб турли масалаларни ҳал қилишда ақлий амалларни самарали бажариш қобилиятига айтилади. Умумий кимё фанидан амалий машғулотларининг ўқитиш сифатини яхшилаш, бўлажак ўқитувчиларнинг экспериментал тайёргарлиги даражасини оширишга хизмат қилувчи бир қатор

имкониятларни очиб беради: лаборатория ишларини бажариш жараёнида талабалар билишнинг илмий методлари билан танишадилар, кимёвий ҳодисаларнинг табиатига, уларни ўрганиш имкониятларига, амалда қўлланилишига ишонч ҳосил қиласидилар, талабаларнинг назарий ва амалий фикрлашларини ривожлантиришга шароит яратади, кимёвий назариянинг реал моҳиятини кўра билишга ўргатади, кимёвий амалий машғулотда маъруза курсида олинган маълумотлар билан талабанинг лаборатория ишларига тайёргарлик кўриш вактида дарсликлар, ўкув қўлланмалари ва бошқа ўкув манбалар билан системали мустақил ишлаши натижасида тўплланган маълумотлар бирлаштирилади, талабаларни лаборатория экспериментини ўtkазиш методлари билан таништиради, назарий билимларни амалда қўллашга ўргатади, кимёвий асбоблар билан ишлаш, мутахассисликка оид қўникма ва малакаларни эгаллашга ёрдам беради, талабалар ўлчаш хатоликларини аниқлашни ўрганадилар, тажриба натижаларини қайта ишлашда компьютер технологияларидан фойдаланиш қўникмаларини эгаллайдилар, экспериментал ишларни ташкил қилиш ва қўйиш, илмий-тадқиқот методлари билан таништириш, талабаларда илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш (тадқиқотчилик қўникмалари) иштиёқини уйғотади, қурилмалар билан ишлаш талабаларнинг билиш ва конструктив қобилиятларини, кузатувчанлик, диққат, сабр-тоқат, тасаввур қилиш ва бошқа сифатларини ривожлантиради, талабаларда индивидуал ва жамоа бўлиб ишлаш маданияти, олдиндан тузилган режа асосида ишлаш қўникма ва малакалари шаклланади, ўқитувчиларга умумий кимё курсидан талабаларнинг билим, қўникма ва малакаларини мунтазам равишда назорат қилиб бориш имкониятини беради.

Замонавий таълим олдида турган энг муҳим вазифа ўкувчи шахсининг илм олишга бўлган эҳтиёжини қондиришга қаратилган. “Биз кимни тарбиялашимиз керак?” – деган савол замонавий педагогика, дидактика ва фанларни ўқитиши методикаларининг бош масаласига айланган. Шундай экан ҳозирги глобаллашув жараёнида таълим технологияси, фанларни ўқитиши тараққиёт талабларига жавоб берса оладиган бўлиши лозимдир. Таълим жараёнида ўкувчига иложи борича қисқа фурсатда кўп маълумот етказиб бера олиш, шу билан бирга малакали кадрлар тайёрлай олиш ҳозирги кун ўқитувчисининг олдидаги долзарб вазифалардан биридир. Замонавий педагог эндиликда синф хонасига кириб, шунчаки иш режасидаги маъruzani монолог тарзида баён этиши эмас, янги усуслардан фойдаланиб ўкувчи диққатини ўзига жалб қилиши, унинг психологиясини ўрганган ҳолда унга ёндошиши ва янги педагогик

технологияларни қўллай билиши керак. Бунда эса ўқув ахборотларини етказиб бериш, тушунтириш, билимларни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ўзлаштириш жараёнлари, яъни: маъруза, ҳикоя, тушунтириш, намойиш, видеоусул каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Таълим жараёнига қўлланиладиган усуллар ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигига муайян таълим – тарбия мақсадларини, ўқув вазифаларини ҳал қилишга қаратилган фаолиятни таъминловчи омиллар тизими деб қараш лозим. Шунинг учун ҳам таълим усуллари ўқувчиларнинг билиш фаолияти босқичлари билан бевосита боғланган. Бунда асосан умумий ўрта таълимга эътибор қаратиш керак.

Замонавий инновацион технологияларни ўқув жараёнига татбиқ, этишда кўп омиллар салбий таъсир этади, уларга: таълим муассасаларининг компьютерлар ва электрон воситалар билан таъминланганлик даражаси унинг етарли эмаслиги; улар интернет ва бошқа ахборот тармоқларига уланмаганлиги; илмий-услубий манбаларнинг етарли эмаслиги (электрон қўлланмалар, лаборатория ишлари, тестларнинг етарли эмаслиги); педагогларнинг замонавий компьютер техникаси бўйича малакасининг етишмаслиги; бакалавр ўқитувчиларининг ҳам компьютердан етарли даражада фойдалана олмасликлари, электрон китоблар билан ишлашни билмасликлари сабаб бўлади.

Замонавий дарслардан мақсад-бакалавр ўқитувчиларининг ўзлаштириш кўрсаткичини кўтариш учун кимё фанини ўқитишида машғулотларни янада мазмунли, қизиқарли ва тушунарли ўтказиш, бакалавр ўқитувчилари фаолиятига янгилик киритиб, интерфаол методлардан фойдаланиш ҳамда ўз-ўзини тез ва самарали баҳолашга эришишдир. Шу билан бирга замонавий дарслар бакалавр ўқитувчиларини мустақил фикрлай олишга, ижод қилишга, изланишга, тахлил эта олишга, ўзлари хулоса қилиб, ўз-ўзини баҳолай олишга ўргатади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Раҳматуллаев Н.Г., Омонов Х.Т. “Кимё ўқитиши методикаси”. Т. Ўқитувчи. 2002. Б.35-44.
2. Нишонов М. ва бошқалар. “Кимё ўқитиши методикаси”. Т. Ўқитувчи 2002. Б.36-53.
3. Каримова Д.А. Инновационные процессы в организации обучение химии. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Навоий давлат педагогика институти. Сайлов демократия кўзгуси мавзусидаги конференция материаллари. Навоий. 2014.